

## **БОЛАЛАРДА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ТАРҶАЛИШИ ВА КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Бакиев Бекзод**

ТТА Урганч филиали 4-курс тиббий профилактика йўналиши талабаси.

**Ибрахимова Ҳ.Р**

ТТА Урганч филиали, Юқумли касалликлар,

Эпидемиология ва Фтизиатрия кафедраси

**Муаммонинг долзарблиги:** Паразитлар келтириб чиқарадиган касалликлар ўзига хос ва кенг гурухга мансуб касалликларни бирлаштирган бўлиб, тиббий ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга. ЖССТ берган маълумотларга кўра ,дунё бўйича паразитар инвазиялар билан 4,5 млрд.дан ортиқ киши касалланган . Бактериал ва вирусли инфекцияларга қарши улкан ютуқларга эришилганган бўлсада,паразитологияга хос кўп муаммолар ханузгача хал бўлмаган. Ушбу инвазиялар турининг йил сайин кўпайиши ,туризмнинг ўсиши билан боғлиқ бўлиб,тропик давлатлардан Осиёга кўпгина паразитларнинг олиб кирилишига сабаб бўлмоқда. Паразитар инвазиялар билан касалланиш кўрсаткичларининг ўсиши замонавий ,ўта сезгир диагностик усулларнинг татбиқ этилиши билан боғлиқ.

**Тадқиқот натижалари:** 3-6 ёшгacha бўлган 116 нафар болаларда клиника-лаборатор ва паразитологик усуллар ёрдамида паразитар касалликлар аниқланди. Уларнинг 104 нафари боғча ва мактабга борадиган ва 12 нафари уй тарбияланувчилари бўлди .Ўғил болалар 53,5% ,қиз болалар 46,5%ни ташкил қилди. Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида паразитар касалликларнинг клиник кўринишларини ўргандик: киндик атрофидаги оғриқ 60,3%,кўнгил айниш 58,2%,бош оғриғи 37,7%, дерматозлар 18,2%,уйқунинг бузилиши 12,3% иштаха пасайиши 25 ,8%,ориқлаб кетиш 17,3%,бадан оқариши 12,6%,кечкурун

тишини ғичирлатиш 17,3%, тез-тез асабийлашиш 19,7% беморларда кузатилди. Тадқиқотимиз остида бўлган bemorlarning 60% да ич келиши ўзгаришсизлиги аниқланди . 23,7% bemorlarda қабзиятга мойиллик, 16,3% bemorlarda ич келиши ўзгариб туриши аниқланди .

**Хуроса** 3-6 ёшгача бўлган болаларда паразитар касалликларни тарқалишини ўрганиш натижасида асосан болалар ўртасида контакт йўли билан юқувчи энтеробиоз ва гименолепидоз касаллигининг кўп тарқалишини гувоҳи бўлдик. Бу асосан шу ёшдаги болаларнинг шахсий гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қиласмасликлари ва болаларнинг тарбияси билан шуғулланувчи кишиларнинг бу касалликларни олдини олиш бўйича билим савиясининг етарлича эмаслигидан далолат беради. 18 % bemorlarда касалликнинг қайталаниши бу касалликларнинг диспансер назорати хам тўғри йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади.